

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕДАХАНОВА МУАЗЗАМ АЛТМИШБАЕВНА

МОДЕРН ШЕЪРИЯТДА МАЪНО КЎЧИШИНИНГ
ЛИНГВОКОГНИТИВ АСПЕКТИ
(Рауф Парфи ижоди мисолида)

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Дедаханова Муаззам Алтмишбаевна Модерн шеърийтада маъно кўчишининг лингвокогнитив аспекти (Рауф Парфи ижоди мисолида).....	3
Dedakhanova Muazzam Altmishbaevna Linguo-Cognitive Aspect of Figurative Meaning in Modern Poetry (on the example of the works of Rauf Parfi)	29
Дедаханова Муаззам Альтмишбаевна Лингвокогнитивный аспект переносного значения в современной поэзии (на примере творчества Рауфа Парфи).....	52
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕДАХАНОВА МУАЗЗАМ АЛТМИШБАЕВНА

МОДЕРН ШЕЪРИЯТДА МАЪНО КЎЧИШИНИНГ
ЛИНГВОКОГНИТИВ АСПЕКТИ
(Рауф Парфи ижоди мисолида)

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида**
B2021.2.PhD/Fil1900 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида
(www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Гули Исмоил қизи
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори, доцент

Мухамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгаш асосида Бир марталик
Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб
ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а квартал, 21а.
Тел: (998 71) 230-12-91; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот
ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган).
(Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а квартал, 21а.
Тел: (998 71) 230-12-91; e-mail: www.uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «18» декабрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,
профессор

Х.Б. Самилова
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.,
доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида кўчма маънода қўлланган сўзларни тадқиқ этиш, антик ва ўрта аср лингвистикасидан фарқли ўлароқ, тил ва тафаккурга қаратилган лингвокогнитив, лингвомаданиятшунослик, психолингвистик табиатига эътибор қаратилмоқда. Бу борада назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар етакчи илмий марказлар ва таълим муассасаларида олиб бориляпти. Хусусан, метафорологияни оламни билишнинг асосий усулларида бири сифатида тушуниш у ҳосил қилган номларни фалсафий, мантикий, психологик, нейролингвистик кўламда текшириш заруратини келтириб чиқармоқда. Луғавий бирликларнинг кўчма маъно ҳосил қилишдаги ўрни, аҳамияти, таснифи, сўзларнинг лингвокогнитив табиати, юзага келиш шартлари, уларни тилнинг миллий корпусида бериш йўллари, оккозионал маъно, ном ва тушунча муносабати ва бошқалар ҳам тилшуносликдаги асосий масалалардан бирига айланган. Бу борада маъно кўчишидаги номинатив вазифани когнитив ёндашув тамойиллари асосида тадқиқ этиш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида шахсий ва маданий ёндашувларга асосланиб, бадий матнни лисоний жиҳатдан тўлақонли идрок этиш, кўчма маъноли сўзлар негизидаги ўзаро мутаносиблик ва уларнинг шеърий матнда эстетик фаоллашуви масаласи муҳим ҳисобланади. Инсон борлиқни идрок этади ва ўз билимига таянган ҳолда когнитив механизмлар орқали воқелиқни баҳолаб, қиёсан онгида мужассамлайди, сўнгра уни нутқ тарзида шакллантиради. Мазкур жараёнларнинг сўнгги босқичи вербал ифодага эга бўлади. Шунга кўра бугунги кунда жаҳон тилшунослари диққат марказида кўчма маъноли сўзлар негизида ҳам инсоннинг когнитив фаолияти тургани мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида маъно кўчиш турларининг нутқий моҳиятига кизиқиш, ижодкорлар асари мисолида таҳлил қилиш қанча кўп амалга оширилган бўлмасин, уларнинг назарий жиҳати ва лингвокогнитив шарҳи тилшуносликда замонавий ёндашувлар нуқтаи назаридан янада кўпроқ ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Зеро, «фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш»га¹ алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ривожига модерн шеъриятда қўлланган кўчма маъноли лексемаларнинг инсон когнитив структураси ҳамда тил системасига дахлдорлигини когнитив механизмлар кесимида асослаш, концептуал метонимия, когнитив ва концептуал метафораларни ўзаро фарқлаш, метафорик номинация назариясининг тадрижий тараққиётини белгилаш юзасидан аниқ хулосаларга келиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.
https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПҚ-2204-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли, Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сонли қарорлари, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сонли фармонлари; 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда бадиий асар тили, унинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, шу билан бир қаторда, когнитив ёки лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга қадар маъно кўчиш турлари образни ифодаловчи асосий услубий воситалар сифатида Л.Булаховский, Л.Блумфильд, И.Гальперин, А.Шомақсудов, И.Расулов, И.Арнольд, С.Султонсаидова, Ў.Шарипова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган². Ишнинг умумий методологик асосини антик даврдан ҳозирга қадар ўрганиб келинаётган маъно кўчиш турлари, хусусан, метафорологик таълимотлар ташкил этади. Бу мавзунинг номинатив вазифасига доир: Аристотель, Квинтилиан, А.Уфимцева, Е.Земская, В.Телия, Г.Колшанский, Б.Серебренников, Г.Скляревская, Р.Лангакр, Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт,

²Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч.II. – М.: Госучпедгиз, 1954. – С. 57-63; Galperin I.R. Stylistics. – Moscow, Higher School, 1977. – P. 144-146; Шомақсудов А., Расулов И. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 237-239; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Просвещение. 1990. - С. 85-86; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. Автореф. дисс. ... Ф.ф.н. илмий даражасини олиш... Самарқанд – 2001.; Sultonsaidova S., Sharipova O'. O'zbek tili stilistikasi. – Т.: YURIST-MEDIYA MARKAZI, 2009. – В. 69; Миртожиев, М.М. Ўзбек тили семасиологияси / масъул муҳаррир А.П.Ҳожиев. - Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. – Б. 100-106.

В.Виноградов, В.Гак, Л.Лузина, В.Маслова, Ю.Панкрац, В.Демьянков, М.Рут, Е.Кубрякова, М.Миртожиев, Г.Қобулжонова, А.Сувонова кабиларнинг илмий хулосалари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил қилади. Ўзбек лисоний тизимида ҳосила номинативларни ташкил этувчи алоҳида бирликлар формал тилшунослик доирасида текширилган, тегишли мавзу доирасида назарий асос вазифасини ўтовчи фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, айримларини мисол тариқасида келтириб ўтсак: фразеологик сатҳда Ш.Раҳматуллаев³, А.Маматов⁴; паремиологик сатҳда П.Бакиров⁵, Б.Жўраева⁶; эвфемик сатҳда А.Омонтурдиев⁷, Д.Рустамова⁸; иккиламчи номинация, хусусан, перифразалар борасидаги тадқиқотлар И.Умиров⁹, Р.Нормуродов¹⁰ томонидан тадқиқ этилиб, мундарижасида ҳосила номлар масаласи илмий шарҳланган. Маъно кўчиши, жумладан, метафоранинг антропология, лисон, маданиятга доир жиҳатлари замонавий тилшунослик вакилларида: Ю.Апресян, М.Арбиб, Н.Арутюнова, А.Вежицкая, О.Глазунова, Д.Дэвидсон, Э.Кассирер, Ж.Лакофф, М.Жонсон; фреймлар назарияси, ассоциатив образлар: Р.Лэнг, Э.Маккормак, И.Меркулов, М.Минский; умуман метафоралар, генератив семантика, метафоранинг когнитив функцияси, коммуникатив, ҳиссий, волюнтатив таъсир кўрсатиш функцияси: Х.Ортега-и-Гассет, Ж.Серль, Ю.С.Степанов, Ф.Уилрайт; умуман, метафорологиянинг тадрижий ривожи: Р.Якобсон, О.Лагута; мамлакатимизда эса М.Мирзаев, М.Мукаррамов, З.Тоҳиров, Р.Маджидова, Г.Насруллаева¹¹, Ш.Махмараимова¹², Д.Худайберганаева¹³ ва бошқа олимлар томонидан ҳар хил аспектда ўрганилган.

Ушбу тадқиқотларнинг илмий концепциясини такрорламаслик, аксинча, ўзбек тилшунослигида кўчим турлари йўналиши доирасида ҳали ўрганилмаган қирраларга эътиборни йўналтириш ҳамда амалдаги илмий ишнинг оригиналлигини таъминлаш мақсадида когнитив тилшуносликка доир сўнгги йилларда бажарилган изланишларга таянилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот иш режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши

³Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1978.

⁴Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. – Тошкент, 2018.

⁵Бакиров П. Семантика и структура номинацентрических пословиц (на материале русского, узбекского и казахского языков). – Ташкент, «Фан», 2006; Бакиров П. Пословицы-энциклопедия народной жизни. – Ташкент, «Академнашр», 2018.

⁶Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2019.

⁷Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. док-ри. дисс. – Тошкент, 2009.

⁸Рустамова Д.А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018.

⁹Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари. Филол. фан. номз. дисс. автореф.– Тошкент, 1996.

¹⁰Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. – Тошкент, 2011.

¹¹Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019.

¹²Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект). Монография (DSc). – Самарқанд, 2020.

¹³Худайберганаева Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. док-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2015.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Тил назарияси ва амалий тилшунослик йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Рауф Парфи ижоди мисолида поэтик матнларда қўлланилган кўчма маъно турларининг концептуал ва лингвокогнитив хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср модерн шеъриятида қўлланган маъно кўчиш турлари ўрнини лингвокогнитив жиҳатдан ўрганишнинг долзарблигини белгилаш;

қадимги ва ўрта аср мутафаккирларининг лингвофилософик ва замонавий лингвистик асарларида кўчма маънога оид назариялар ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш;

модерн шеърларнинг лексик-семантик хусусиятлари, синтактик ва семантик-стилистик механизмларини аниқлаш орқали ўзига хос хусусиятларини асослаш;

ўзбек модерн шеърияти ва таржима матнларида индивидуал услубий маҳоратга кўра кўчма маънода қўлланган бирликларнинг концептуал механизмлари ва когнитив моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида модерн шеъриятда қўлланган маъно кўчиш турлари (*метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик*) танланган.

Тадқиқотнинг предметини Рауф Парфи шеърияти ва таржималаридаги маъно кўчиш турларининг лингвокогнитив ҳамда концептуал хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда когнитив-семантик, когнитив-моделлаштириш, дифференциал-семантик, қиёсий, статистик, концептуал ва контекстуал таҳлил каби усулларида комплекс фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

кўчма маъноли сўзларнинг концептуал майдони доирасини аниқлаш орқали концептуал метафора *манба майдони* ва *мақсад майдони*, концептуал метонимия эса *восита майдони* ҳамда *мақсад майдони* каби когнитив структуралар тамойилида ишлаб чиқилган;

илк бор метонимиядан фарқлаган ҳолда синекдоха ва унинг таснифи борасидаги назарияларга когнитив модель асосида ёндашилган ҳамда модерн шеъриятда концептуал метафорани корреспонденциялар тўплами, яъни "хариталаш" (mapping) асосида ўрганиш таклиф қилинган;

маъно кўчиш турлари бутун → қисм, қисм → бутун тамойилидаги герменевтик ёндашув асосида, шу жумладан, метафоралар тузилишига кўра лексема → фразема → бирикма → гап → матн тарзида лексик, морфологик, синтактик аспектларда очиб берилган;

Рауф Парфи таржималарида қўлланган кўчма маъно турларининг фаол ва пассив даражалари тасвирий статистикасини график шаклда

умумлаштириш орқали шоир ижоди ва таржималарида метафора етакчилик қилиши (метафора — 77 %, метонимия — 13 %, синекдоха — 8 %, вазифадошлик — 1 %) далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модерн шеърларда кўчма маъно турларининг ўзига хос хусусиятлари ва номинатив функцияси ўрганилган;

ўзбек тилида ҳосила маъно когнитив ва концептуал таҳлилга асосан илмий жиҳатдан талқин этилган;

маъно кўчишининг нутқ маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва уларнинг қўлланилиши, тадқиқ этилишига доир илмий-назарий маълумотлар когнитив тилшунослик, корпус лингвистикаси, умумий тилшунослик каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янада мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги когнитив ва концептуал таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, жумладан, ўзбек тилшунослигида кўчма маъно турларини ўрганишнинг лингвистик парадигмалар кесимидаги ўрни назарий манбалар ёрдамида атрофлича очиқ берилганлиги ҳамда шу асосда унинг лингвокогнитив мавқеи асосланганлиги билан белгиланади. Шунингдек, назарий фикр ва хулосалар республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги миллий, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақола, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадиий асар таҳлиliga доир янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади, шунингдек, ўзбек тилшунослигининг когнитив аспектига доир қатор тадқиқотлар амалга ошириш, поэтик тил тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқариш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти модернизм моҳиятини чуқурроқ англаш, бадиий матн таҳлили борасида тавсия этилган усуллардан ўринли фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, назарий аҳамиятга эга бўлган кўчма маъно турлари ҳақидаги мавжуд билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва ривожлантиришга эътибор қаратилади. Унинг амалий аҳамияти стилистика, шеърини матн талқини бўйича ўқув курсларида олинган натижалар ҳамда лингвистикани ўқитиш амалиётида фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Модерн шеъриятда маъно кўчишининг лингвокогнитив аспекти (Рауф Парфи ижоди мисолида)» мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида:

модернистик метафора кўп қатламли структурага эгаллиги, модернизм лирикасида бир қадар улғайган, кўп субъектли ва бунинг ортидан кўп даражали бўлган метафора янги вазифа – матнни ташкил этиш функциясини

ўз зиммасига олганлигига оид материаллардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3652-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 10 июнь ойидаги 01-03/784-сон маълумотномаси). Натижада уюшма томонидан ўтказилган назарий ва амалий анжуманлар, семинарлар, турли ижодий ишлар янги илмий-амалий материаллар билан бойиган, китобхонларнинг модерн шеърят тилини лингвокогнитив таҳлил қила олиш кўникмаси мукаммаллашган;

Рауф Парфи ижодида қўлланган антропоцентрик метафора ва метонимияларни лексик, морфологик ва синтактик қатламларда таҳлил қилиш ва тизимли муносабатларини очиш билан боғлиқ тавсиялардан I-ОТ-2019-42 рақамли «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш» мавзусидаги инновацион илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетининг 2021 йил 12 июндаги 04/1-1031-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг антропоцентрик метафора ва метонимиялар билан боғлиқ қисмининг илмий қиймати ошган, тиллараро интеграцияси таъминланган;

кўчма маъноли сўзларнинг моҳиятини тўғри англаш учун уларнинг концептуал майдон доирасини когнитив моделлар асосида таҳлил қилиш борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ташаббуси билан театр жамоалари томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда кенг татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 05-12-10-4627-сонли маълумотномаси). Натижада нутқимизнинг кўчма маънога бойлиги, модерн шеърлардаги рамзийлик каби ўзига хос лингвистик жиҳатларнинг таъсирчанликни оширишдаги аҳамияти янада ошган;

маъно кўчиш турларининг герменевтик ёндашув асосидаги тадқиқи ва Рауф Парфи таржималарида қўлланган кўчма маъно турлари статистикаси бўйича маълумотлардан А-1-209-рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ҳамда ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида белгиланган вазифаларга кўра фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎзДЖТУнинг 2021 йил 27 октябрдаги 22/807-сон маълумотномаси). Натижада Рауф Парфининг ижодий мероси ва таржималари ўзбек тилида ёзилган бўлса ҳам, бошқа тиллардаги луғавий бирликларни маҳорат билан қўллашнинг назарий тамойилларини белгилаши, тил ва маданиятнинг муштараклигини асослаши ўз исботини топган;

модерн шеърятда концептуал метафорани корреспонденциялар тўплами, яъни "хариталаш" (mapping) асосида ўрганиш хусусидаги

маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телеканали ижодкорлари «Мавзу», «Тақдимот» кўрсатувлари сценарийларини ёзишда амалий фойдаланилган («Ўзбекистон телерадиоканали» давлат муассасасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 01-02-1501-сон маълумотномаси). Натижада модерн шеъриятни концептуал метафоралар, хусусан корреспонденциялар тўплами, яъни «хариталаш» асосида ўрганишнинг афзаллиги ўз тасдиғини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 9 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган мақола, шу жумладан, 1 та хорижий scopus, 1 та хорижий юқори Impact Factor журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 168 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Модерн шеърият концептининг ментал бирлик сифатидаги талқини» деб номланган биринчи бобида ўзбек модерн шеърияти тилининг ўзига хос хусусиятлари, концептуал аспект ва Рауф Парфи шеъриятида лисоний олам тасвири, маъно кўчиш турларининг таснифлаш хронологияси масалалари таҳлил қилинади.

Модернизм XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг 50–60-йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи бўлиб, жаҳонда глобаллашув жараёнлари бошланаётган бир вақтда сиёсий, маданий, иқтисодий омиллар ўзаро кесишган нуқтада вужудга келади. Мазкур атаманинг келиб чиқиши лотинча «modernus» – «замонавий, янги» ва италянча «modernismo» – «замонавий оқим» тарзида изоҳланади¹⁴.

¹⁴<https://uz.m.wikipedia.org>

Модернистлар оламни мантикка таянмаган, ҳиссий «тафаккур» асосидагина тўлақонли тушуниш мумкин, деб ҳисоблашади. Улар бунда мантикий-тахлилий мушоҳадага қарши туриб, иррационал онгни етакчи санашади. Шунинг учун модернистлар анъанавий методларни инкор этиб, мавҳум, нореал ифода шаклларида ижод эта бошлайдилар. Бу йўналиш вакиллари ижтимоийликдан чекиниб, ўз шуури томон юзланади. Шунини инобатга олиб, М.Холбеков ва С.Қуронов кўрсатган 80-йилларни ўзбек адабиётига модернизмнинг кириб келиш даври деб ҳисоблаш мумкин¹⁵.

Модерн шеърият тилининг лингвистик жиҳатларига аҳамият берар эканмиз, унда кўчма маъно товланишлари, сўзлардаги рамзийлик эътиборимизни буткул тортади. Хусусан, модернистик метафора кўп қатламли структурага эга. Аслида ҳам нутқда шаклланувчи товушлар, белги ёки ишоралар, жестлар, хусусан, сўзларнинг вужудга келиши айнан метафоризация орқали содир бўлади. Шунинг учун ҳам америкалик олимлар Жорж Лакофф ва Марк Жонсон «ҳар бир тушунчанинг юзага келиши асосида метафоризация жараёни бор»лигини таъкидлашади¹⁶. Модернизм лирикасида бир қадар улғайган, кўп субъектли ва бунинг ортидан кўп даражали бўлган метафора янги вазифа – матнни ташкил этиш функциясини ўз зиммасига олган. Бундай структура турлича англашни намоён қилади ва биргина йўналишдаги талқинга қаршилик кўрсатади. Жумладан, «*Гурс этиб тушади кўз ёш томчиси...*» (Асқад Мухтор), «*Осмон тошиб кирар кўзга, сигмас кўзга, Пабло...*» (Рауф Парфи), «*Юрак эркака ихтисослашган*» (Фахриёр), «*Наҳрларда этаги йиртиқ Лўли қиздай қарғанар осмон*» (Абдували Кутбиддин), «*Ҳали мудраб ётган дунёларингни Уйғотиб учади руҳим овози!*» (Зебо Мирзо), «*кулаётган кишининг аччиқ кўз ёши-ю, ўлаётган кишининг табассумидай сирлидир санъатнинг юраги билсанг*» (Улуғбек Ҳамдам), «*милтиқ ўқларидай гумбир-гум қилиб ҳаводан қарсақлар ясардим доим*» (Шавкат Раҳмон), «*Юрагимга киргандим, Чиқолмай қолиб кетдим. Бу дунёнинг дардида Ўтиндай ёниб кетдим*» (Усмон Азим) каби кутилмаган ташбеҳлар, тафаккур торларини чертадиган — теша тегмаган метафоралар юзага келдики, улар модерн шеърнинг ўз қаддини тутиб олишига йўл очди. Давр ва замондошларнинг қиёфасини ёрқин чизиш мақсадида модернистик шеърият тилига ҳамиша ҳам оҳангдорлик ва мусиқийликка жўр бўлавермайдиган неологизм(янги сўз)лар, байналмилал сўзлар, илм-фанга оид атамалар, тарихий, диалектал (худудий чегараланган), ундов, тақлидий каби сўз шакллари, касб-хунарга доир тушунчалар номи ва бошқалар кириб келди, бадий тасвир воситаларининг муайян шеърда ниҳоятда кўп қўлланиши натижасида метафорик фикрлаш тарзи кучайди.

Тадқиқотнинг «**Рауф Парфи шеъриятида лисоний олам тасвири**» фаслида когнитив тилшуносликнинг энг муҳим тамойили ҳар қандай лисоний шакл асосида инсон тафаккур фаолиятининг маҳсули бўлган ментал тузилма – концепт туриши ҳамда Рауф Парфи ижодида лисоний олам қай

¹⁵Қуронов С. Модерн шеъриятда тасвир [ht tps://yoshlikjurnali.uz/tadqiqot/modern-she'riyatida-tasvir](https://yoshlikjurnali.uz/tadqiqot/modern-she'riyatida-tasvir)

¹⁶George L., Mark J. Les métaphores dans la vie quotidienne (trad. fr.), Paris, Éd. de Minuit, 1983.

тарзда тасвирланиши хусусида тўхталиб ўтилган. Модерн ёзувчилар оламни кўпроқ қора рангларда кўрдилар ва тасвирлай бошладилар. Улар одамзоднинг кутилмаган жиҳатларини акс эттиришга уринишди. Шу сабабдан модерн адабиётда ҳаёт ҳақиқатига риоя қилиш муҳим ҳисобланмайди. Бу давр шеърлятида китобхонга ҳаёт ҳақида ақл ўргатиш, қандай яшаш юзасидан йўл кўрсатишдан кўра инсон руҳиятининг мураккаб манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди.

Эндиликда шеър ўқиш одам учун дам олиш, кўнгил очиш йўлларида бири бўлмай қолди. Шеърдан завқ олиш учун ўқувчининг қулоғи ҳам, кўзи ҳам, тафаккури ҳам, туйғулари ҳам зўриқиши, шеър ўқиётганда фақат завқ ва лаззат туйибгина қолмай, жиддий меҳнат қилиши ҳам лозим бўлиб қолди. Бадиий асар уч томонлама коммуникация ҳодисаси: «*муаллиф – қаҳрамон – китобхон*» иштирокидаги дискурс мақомини олади. Бу мақом ҳам ижодкорликка чақирадиган тугалланмаганликни, матн очиқлигини кўзда тутди. Шунга кўра, модерн шеърлар китобхонни тугалланмаган ижод жараёнида ҳам қатнашишга ундайди. Натижада шеър китобхон томонидан бериладиган мазмунга эга бўлади. Модерн ўзига хосликнинг илк намуналарини Рауф Парфи «чизган» манзараларда кўриш мумкин:

Овозингни ўпарман, севгилим,

Кўзларимга кириб музлаб қолар овозинг,

Йўқотув ҳиссини туяр кўксим сирқираб [Т.руҳи; 196-б.].


Шоирнинг 1980 йилда ёзилган «Тонг саҳардан ўлтирибсан...» мисралари билан бошланувчи шеърдан олинган ушбу парчада тушқунликка тушган аёл ҳолати акс этган. Рауф Парфи севгидан куйган аёлни мисралар давомида маъшуқа даражасига олиб чиқиш билан унинг руҳиятини тасвирлашга уринар экан, ўз-ўзидан китобхонда муайян психологик кайфиятни ҳис қилиш имкони туғилади. Аммо бу ўқувчи ўрганган шеърлий тасвирлардан жиддий фарқланади. Яъни шоир ақл бовар қилмас даражада имконсиз ҳолда қолиб, «Овозингни ўпарман», дея ҳамдард бўлса-да, кўзларига кириб, музлаб қолган видолашув овози туфайли охир-оқибат барибир йўқотув ҳиссини туйган кўкси сирқираб, яъни зирқираб кетади. Аслида овозни ўпиб бўлмаганидек, кўзларга кириб музлаб қолишининг ҳам иложи йўқ. Бу тасвир орқали ишқи поймол бўлган аёл ҳолати лирик қаҳрамонни қай даражада оғир аҳволга солгани, мантиқ кўчасига қарама-қарши қадам қўйгандек, ўзгача усулда очиб берилган. Кўринадики, метафорани тилда шунчаки безак воситаси сифатида эмас, балки қайта қуриш, структуралаш ва ҳатто ҳақиқатни яратиш учун концептуал восита сифатида қабул қилиш мумкин. Шунга асосан шеърни таҳлил қиладиган бўлсак:

ОВОЗ → бу севикли ЁР (Овозингни ўпарман, севгилим).

ОВОЗ → бу КЎЗ ЁШ, музлаган сув (Кўзларимга кириб музлаб қолар овозинг).

ОВОЗ → бу ҚЎРҚУВ, йўқотиш ҲИСсининг ифодаси (Йўқотув ҳиссини туяр кўксим сирқираб).

Демак, бу ОВОЗ → севгидан куйган аёлнинг ЙИҒЛАГАН ОВОЗИ (расмларга қаранг):



1-расм. «ОВОЗ» концептуал метафораси талқини

У шу қадар аччиқ кўз ёш тўқмоқдаки, овутомқчи бўлган лирик қахрамон бу дардли йиғи таъсирида ҳеч қандай гап-сўзсиз ҳам изтироб сабабини тушунади ва совуқ оҳ-воҳдан «музлаб», ёрдамга ожизлиги туфайли кўкси сирқираб кетади. Моҳиятан шундай теран ва бетакрор ижодий меросни инобатга олиб, тадқиқотда кўчма маъно турларининг когнитив механизмини айнан миллий модерн шеърятнинг асосчиларидан бири ва энг йирик вакили бўлмиш Рауф Парфи шеърятни мисолида ўрганиш мақсад қилинди.

Дарҳақиқат, унинг шеърлари бир марта ўқиб қўйиладиган ва дарҳол ўқиб олинладиган содда шеърлар сирасига кирмайди. «Матн таркибида келувчи сўзнинг қандай кўчим асосида юзага келишини компонент таҳлил орқали яққол кузатиш мумкин. Зеро, таҳлилнинг ушбу тури кимёвий моддаларни бир-биридан ажратиб ўрганилганидек, сўзларнинг ҳам бир қанча семаларини алоҳида-алоҳида, чуқур таҳлил этишга хизмат қилади»¹⁷. Масалан:

Ерга ботган осмонларни кузатдим,
Чопилган оёғим билан чопдим мен.


Кесилган қўлимни сизга узатдим,
Бу дунё гулларга тўлди. Қотдим мен [Т.руҳи; 263-264-б.].

Бундай мисраларни ўқиб, англаш учун киши муайян рухий-интеллектуал тайёргарликка эга бўлиши зарур. Шоир шеърнинг илк сатрида юксаклик даъвоси билан «осмон»да юрган, аммо ҳаёт синовларига дош беролмай «ерларга ботган», масалан, ҳамма нарсаи бору, лекин биргина тирноққа (фарзандга) зор кимсаларни кузатади. Лекин ўзининг имкони ҳам «ерга ботган»никидан ортиқ эмаслигини иккинчи сатрда акс эттиради. Бу сатрдаги шаклдош (омоним) асос(ўзак)дан юзага келган «чопилган» (кесилган) ва «чопдим» (югурдим) сўзлари ўзгача бадий манзара ҳосил қилган. Одам – ожиз, шоирнинг ҳеч ерга етмас қўлининг «кесилган»и – шунинг белгиси. Лекин дунё кутилмаган сирларга тўла. Буни дунёнинг гулларга тўлганидан сезиш мумкин (расмларга қаранг):

¹⁷Рофиева Г.Ю. Метафоралар тадқиқига замонавий ёндашув //Хорижий филология журнали (samxorfil/uz). Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 2000.



2-расм. Одамзод талқини



3-расм. «ГУЛ» концептуал метафораси талқини

Демак, имконсиз, иложсиз қолганда ҳам тушкунликка тушмай, йиқилишдан кўркмай, дадил ҳаракат қилгангина ютади бу ҳаётда. Мана шундай шеърий матнлар тилини тадқиқ этишда когнитив ва концептуал таҳлил усуллари муҳим ўрин тутди. Ижодкорнинг лингвопоэтик воситалардан фойдаланишда маҳорат эгаси эканлигини шеърий матн асосида фавқулдда ҳосил қилинган ноёб ва образли ифодалар, улардаги ўзгача руҳни бадиий тафаккур талқинида ҳис этамиз.

Тадқиқот 1-бобининг 3-фасли «**Маъно кўчиш турларининг таснифи хронологияси**» деб номланган. Кўчма маъно асосида янги сўз ҳосил бўлиши, деярли, барча мутахассислар томонидан эътироф этилган бўлса-да, маъно кўчишига олиб келувчи ҳодисалар, уларнинг тури масаласидаги қарашлар ҳанузгача мунозарали. Баъзи манбаларда ҳосила маънони юзага келтирадиган ҳодисанинг икки тури кўрсатилса, айрим ишларда ундан кўп таснифланганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ҳанузгача уларни қориштириш, ёндош ҳодисалар билан қўшиб юборилган ҳолатлар кўп учраши каби муаммоларини инобатга олиб, ушбу масала тарихига Аристотелдан то бугунги давргача хронологик жиҳатдан эътибор қаратилган. Қолаверса, ишда А.А.Реформатский ҳамда кўпчилик ўзбек тилшунослари фикрига қўшилган ҳолда кўчма маъно ҳосил қилувчи ҳодисаларни тўрт турда: **1) метафора; 2) метонимия; 3) синекдоха; 4) вазифадошлик** сифатида таснифлаб, таҳлил қилиш маъқул топилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тилшунослик назариясида кўчма маъно турларининг когнитив моделлари**» деб номланади. Унинг «**Метафора назариясининг лисоний мақоми**» ва «**Метонимик трансфер ва концептуал метонимиянинг турлари**» деб номланган фаслларида умумий тилшунослик нуқтаи назаридан метафора ҳамда метонимия назариясига доир тадқиқоту таҳлиллар хусусида фикр юритилади. Бу ўринда уларнинг ўзига хослиги, ички турлари, когнитив моделлари, ёндош ҳодисалардан фарқли жиҳатлари тадқиқ этилиб, аниқ чегарасини белгилаш

борасида хулосалар чиқарилган. Мақсад назарий аҳамиятга эга бўлган метонимик трансфернинг турлари (метонимик узатиш ходисалари) ҳақидаги мавжуд билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Метонимия асосида кўчма маъно ҳосил қилиш фикримизни лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилишнинг бир йўли саналади. Манбаларда бу ходисанинг кўринишлари ҳақида, деярли, бир хил таъриф келтирилади, бироқ мисоллар таҳлилида чалкашликларни ҳали ҳануз талайгина учратамиз. Шу муаммони ҳал этиш мақсадида метонимиянинг ўзбек тилида асослаб берилган олти-етти хил кўринишини йигирма тўрттага етказилди. Шунингдек, концептуал метонимия масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. В.Крофт ва Д.Крузнинг таъкидлаганларидек, сўз ясалишида концептуал метонимия типигаги маъно кўчишининг юз бериши икки когнитив майдонни, яъни *восита майдони* ва *мақсад майдони*ни ўз ичига олади. Уларнинг фикрича, метонимияда *восита майдони*нинг вазифаси фақат *мақсад майдони* тузилишини аниқлашдан иборат¹⁸. Масалан: «*Русия! Йиғлама, кўз ёшингни сот*» [Тавба; 27-б.] мисрасидаги Русия сўзи орқали Россия аҳолиси назарда тутилган бўлиб, бу ўринда ҳам концептуал метонимия юзага келган. Бунда *восита майдони* – **жой (топоним (жой номи) – Россия)** концепти бўлса, *мақсад майдони* **одам** концепти ҳисобланади (расмга қаранг).



4-расм. Концептуал метонимия

Замонавий когнитив тилшуносликда Л.Гуссенс томонидан қўлланган *метафтонимия (метафора+метонимия)* ва унинг иккита тури ҳам Рауф Парфи ижоди мисолида таҳлил қилинган. Метафтонимия берилган муаммони ўрганиш вақтида «идиоматик бирикма сўзларни шакллантиришга хизмат қиладиган когнитив механизмлардан бири сифатида ишлатилади»¹⁹.

«**Синекдоха ва вазифадошликнинг юзага келишида лингвистик омиллар**» фаслида мазкур икки тушунча назарий жиҳатдан тадқиқ этилади. «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да уни «бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутунинг номи қисмнинг номи ва аксинча бўлиб қолиши»²⁰, дея таърифланса, М.М.Миртожиев: «Сўзнинг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларидан бири бутунни, иккинчиси унинг бўлагини билдиришига

¹⁸Юлдашев А.Г. Кўчма маъноли сўзларда когнитив механизмларнинг ўрни // Ўзбекистонда хорижий тиллар илмий-методик электрон журнал. № 3/2019. – Б. 61.: Croft W. and D. Alan Cruse. Cognitive Linguistics, New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004. – P. 193.

¹⁹Yuldashev A.G. Metonymy as the Main Cognitive Mechanism in the Formation of Idiomatic Compound Words // Anglisticum Journal (AJ), Volume: 5/Issue: 7, July 2016. – P. 32.

²⁰Ҳожиёв А.П. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти (www.ziyouz.com kutubxonasi) – Б. 88.

кўра ҳосила маъно юзага келтириши»²¹, – деб изоҳлайди.

Мазкур қоидалардан англашилиб турибдики, тилшуносликка оид адабиётларда синекдохага, деярли, бир хил таъриф берилган. Аммо мисоллар борасида чалкашликлар талайгина. Бунга сабаб уни дастлаб метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин этилгани ва айрим адабиётларда ҳали ҳам шу фикр асос қилинишидир²². Тилнинг бошқа-бошқа ҳодисалари бўлмиш метонимия ҳамда синекдоханинг кескин фарқланувчи ўзига хос хусусиятлари М.М.Миртожиевнинг учта тафовутига қўшимча қилган ҳолда жами саккизта фарқли жиҳат дифференциал-семантик метод асосида таҳлил қилинади. Намуна:

1) нутқ жараёнида сўз тушиб қолиш ҳолати икки ҳодисада ҳам учрайди. Бироқ синекдохада бутуннинг ўз таркибидаги бўлаги билан боғлиқ сўз тушса, метонимияда икки предметнинг ўзаро вақтинча алоқадорлигига асосланган сўз тушиб қолади. Бу ҳол, айниқса, одам билан боғлиқ мисолларда очиқ намоён бўлади. Қиёсланг:

1-жадвал.

Синекдоха ва метонимияда сўз тушиши

<i>Синекдоха</i>	<i>Метонимия</i>
«Дўстлар!» – дея пешвоз чиқди <u>жингалак соч.</u>	Ҳой, <u>қизил шапкача</u> , каёққа кетяпсан?
<i>жингалак соч (қисм) – жингалак сочли қиз ёки йигит (бутун) маъносида</i>	<i>қизил шапкача – қизил шапка кийган қиз</i>

Демак, одамнинг бирор аъзоси инсон тушунчасини ифодалаб келса, яъни соч, кўз, бурун каби ўз аъзоси билан бирор шахсни назарда тутилса синекдоха; кийган кийим, либос белгиси ёки ўзида муайян вақт мавжуд бўладиган нарса номи билан мурожаат қилинса, метонимия юзага келади.

2) кўп ҳолларда синекдоха ажралмас бутун ва бўлакни билдирса, метонимияда бу ҳолат «ажралувчан» характерга эга бўлади. Масалан:

2-жадвал.

Синекдоха ва метонимия ўртасидаги ажралмас ёки «ажралувчан»лик тафовути

<i>Синекдоха</i>	<i>Метонимия</i>
Пичоғингни боғла, эй <u>бағир</u> ... [Сакина: 96-б.]	Бир зумда икки <u>товоқни</u> тугатдик.
<i>бағир одамнинг ажралмас қисми</i>	<i>товоққа солинган «ажралувчан» овқат назарда тутилган</i>


Вазифадошлик нафақат ўзбек, балки бошқа тилларда ҳам у қадар кўп

²¹Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Б. 104.

²²Қаранг: Агаян Э.Б. Введение в языкознание. – С. 220; Ҳэзерге башкорт теле. – Б. 16; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 67; Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Часть II— М.: Учпедгиз. 1954. — С. 64; Ҳақимова М. Семасиология. — Б. 56; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Б. 63.

Ўрганилмаган ва назарий жиҳатдан қоидаси ишлаб чиқилган бўлса-да, бир қанча тилшунослар эътиборидан четда қолган, тадқиқталаб ҳодисалардан бири ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигидаги адабиётларда уни *функционал кўчириш*, *функциядошлик* каби атамалар билан ҳам юритилади. Лотинча «*funktio*» — «*фаолият*», «*вазифа*» деган маънони билдиради²³. «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да унга бир мунча аниқ таъриф берилади: «Бир предмет номини бошқа предметга бажарадиган вазифасидаги ўхшашлик асосида кўчириш»²⁴. Масалан: Машинанинг эшиги катта харсангтошга тиралиб қолган эди. Мазкур гапдаги эшик сўзи функционал кўчиришга мисол бўлади. Чунки асл маъносидаги уй эшигига шаклан ўхшамайди, балки кириб-чиқиш жойи сифатида вазифаси жиҳатдан ўхшашликка таяниб, шу номда аталган. Қолаверса, у дастлабки «уй эшиги» бирикмасидаги луғавий маънони суриб чиқарган эмас, аксинча, бир вақтда паралел ҳолда бири иккинчисини инкор этмай истеъмол доирасида фаол қўлланмоқда. Демак, объектлар бир хил функция бажарганда вазифалар ўхшашлиги билан алмашинувлар пайдо бўлади. Тадқиқотда бу масалага махсус тўхталиб ўтилди.

Полисемантик сўзлар ичида шундайлари борки, улар тилда ёки нутқда кўчма маънонинг бир неча тури доирасида ҳосила маъно ифодалай олади. Масалан, *оёқ* сўзи метафора, метонимия, синекдоха ҳамда вазифадошлик ҳодисалари талабига мувофиқ кўчма маънода қўлланиши мумкин. Масалан (расмга қаранг):



5-расм. Оёқ сўзининг кўчма маънолари

Худди шундай мисолларни кулоқ (метафора, синекдоха, вазифадошлик), кўз (метафора, синекдоха, вазифадошлик), бош (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик), эшик (метонимия, синекдоха, вазифадошлик), қанот (метафора, синекдоха, вазифадошлик) каби сўзлар доирасида ҳам кўришимиз мумкин. Аммо бу каби ҳолатлар чалғитиб қўймаслиги лозим.

²³Турсунов У.ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: 1992. – Б. 82.

²⁴Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Б. 126.

«Модерн шеърятда маъно кўчишининг когнитив хусусиятлари» деб номланган 3-бобда Рауф Парфи лирикаси ва таржималари когнитив жиҳатдан таҳлил қилинади. **«Концептуал метафора – Рауф Парфи шеърларида етакчи тасвир воситаси сифатида»** деб номланган 1-фаслда концептуал метафоранинг тузилишига кўра турлари ва унинг ўзига хослиги борасидаги мисолларга эътибор қаратилди. Шоирнинг ижодий индивидуаллигини таъминловчи асосий воситалардан бири шеърятининг метафорага бойлигидир. Ушбу ўзига хосликни Асқад Мухтор шундай эътироф этган эди: «Рауф Парфи поэзияда мураккаб ва динамик метафоралар усулини танлади. Унда айрим образларгина эмас, балки бутун шеър метафора ҳаракатига қурилади, метафора поэтик тилга, образ мантиқига, шеъринг тафаккур бойлигига айланади»²⁵. Мазкур тадқиқотда нафақат айрим образлар, балки бутун шеър метафора ҳаракатига қурилган шеъринг жумлалар лингвистикасига тўхталиб ўтиш лозим топилди.

Ўзбек тилида концептуал метафорани биринчилардан бўлиб ўрганган тилшунос Д.Худойберганова матн семантикасида уни таҳлил қилишдан ташқари, қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатишни таклиф қилади: а) сўз шаклидаги метафора; б) сўз бирикмаси кўринишидаги метафора; в) жумла кўринишидаги метафора; д) микро матн шаклида метафора²⁶. Мазкур фаслда эса қуйидаги беш таснифга асосланган ҳолда тўпланган метафоралар таҳлил қилинди: 1) метафорик лексема; 2) метафорик бирикма; 3) метафорик фразема; 4) метафорик гап; 5) метафорик матн.

Ном кўчиши билан боғлиқ тафаккур тажрибалари айнан метафоранинг когнитив назарияси шаклланишига туртки бўлди. Натижада замонавий тилшуносликда янги «концептуал метафора назарияси» тушунчаси америкалик олимлар Жорж Лакофф ва Марк Жонсон тадқиқотлари негизида вужудга келди. Уларнинг «Биз билан ёнма-ён яшаётган метафоралар» («Metaphors We live by»²⁷) китобида таъкидланишича, инсон нутқида «метафораларнинг тез-тез учраб туриши мазкур феноменнинг маълум бир тизим асосида ўрганилиши керак»лигини тақозо этади²⁸. Назарияда муаллифлар метафора табиатининг янги хусусиятларини очиб беришди, бу концептуал лингвистик мақомга эга бўлишнинг оддий услубий ифода бирлиги эканининг муҳимлигини кўрсатади. Муаллифларнинг фикрига кўра метафора нафақат тилни ифодалаш бирлиги, балки ҳодисадир. Ақл (идрок) билан боғланган ва «...метафора инсоннинг концептуал тизимида ўрнатилгандек тилни ифодалаш бирлигида мавжуд. Бошқача айтганда, метафора тафаккур учун хос ва лингвистик метафоралар фақат шу ҳодисанинг ташқи ифодасидир»²⁹. У концептуал характерга эга, яъни баъзи нарсаларни метафора усулида тасаввур қиламиз, деган ғоянинг асосий

²⁵dunyouzbeklari.com.

²⁶Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Монография.– Тошкент, «Фан», 2013. – Б. 50.

²⁷Lakoff G., Johnson M. Metaphors We live by. – The University of Chicago Press, 2003. – P. 38.

²⁸Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. — М.: Едиториал УРСС, 2004.

²⁹Скрёбцова Т.Г. Когнитивная лингвистика. – Санкт-Петербург. Филологический факультет. 2011. – С. 49.

натижаси шундаки, бизнинг концептуал тизимимиз дунёда қандай ҳаракат қилишимизни бошқарганлиги сабабли кўпинча метафора билан иш тутамиз.

Мазкур назария узоқ ўтмишга бориб тақалади ва метафорани шунчаки тилда безак воситаси сифатида эмас, балки қайта қуриш, ҳақиқатни яратиш учун концептуал восита сифатида қабул қилинади. Ушбу тарихдаги таниқли файласуфларга Фридрих Ницше ва Макс Блек киради. Метафора назарияларига умумий маълумотни Гиббс³⁰, концептуал метафора назариясига эса Кўвексес³¹ берган эди. Ж.Лакофф ва М.Жонсоннинг асарлари нашр этилганидан буён уларнинг асл ғояларини тасдиқлаган, янгилик қўшган ёки ўзгартирган кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бироқ кўпинча янги ғояларнинг манбаси ушбу олимларнинг тадқиқотлари бўлиб қолаверди. Рауф Парфи шеърларини тўғри таҳлил қилиш, моҳиятан яхши англаш борасида ҳам улар таъкидлаган концептуал метафора назарияси эътиборга лойиқ. Тажрибанинг бир соҳасини (одатда, мавҳум) бошқаси нуқтаи назаридан тушуниш (одатда, аниқ) концептуал метафоранинг стандарт таърифи ҳисобланади. Ушбу таъриф концептуал метафораларни ҳам жараён, ҳам маҳсулот сифатида акс эттиради³². Ж.Лакофф ва М.Жонсон фикрига асосан, метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон мавжуд: асосий мавзунини ташкил этадиган **мақсад майдони** (мақсад ҳудуди, мақсадли домен – «target domain») ва муҳим метафорик мулоҳазалар содир бўладиган ҳамда унда ишлатилган манба тушунчаларини таъминлайдиган **манба майдони** (мўлжал ҳудуди – «source domain») иштирок этишини кўрсатишади³³. Манба майдони аниқ домен, мақсад эса мавҳум. Номоддий ёки унчалик катта бўлмаган соҳани метафора сифатида концепциялаштириганда аниқроқ домен нуқтаи назаридан маълум метафора ҳақиқатини яратамиз. Рауф Парфи услубининг ўзак мағзи бўлган тимсолли, мажозий лиризм таҳлили ушбу тушунчанинг моҳиятини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, унинг шеърлятида куйидаги концептуал метафораларни кўп учратамиз (жадвалга қаранг):

3-жадвал.

**Концептуал метафораларнинг
когнитив майдон доирасидаги талқини**

МАҚСАД МАЙДОНИ («TARGET DOMAIN»)	МАНБА МАЙДОНИ («SOURCE DOMAIN»)
ИЛҲОМ	ЁМҒИР
ШОИР	ҚУШ, ТЎРҒАЙ, ҚУШЧА
ИНСОН	КЎЗ
ДУШМАН	ШАМОЛ
МАЗЛУМ	ЯПРОҚ ВА ШАМ

³⁰Gibbs R.W. and Cameron L. Social-cognitive dynamics of metaphor performance Cognitive Systems Research, 2007. – 9:64-75.

³¹ Kövecses, Z. Metaphor. A Practical Introduction, 2nd edn, Oxford and New York: Oxford University Press. 2010.

³²Zoltán Kövecses. Conceptual metaphor theory. www.researchgate.net

³³Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by. – The University of Chicago Press, 2003. – P. 195.

Бир тушунча моҳиятини очишда бошқа бир тушунча доирасига хос бўлган сўзлардан фойдаланилади ва натижада икки хил маъновий гуруҳ сўзларини умумийлаштира олган янги моҳият шаклланади.

Демак, метафоризация билимлар жамланмасининг икки томонлама ҳаракати: манба ва мақсад бирлашувидан юзага келади. Натижада «когнитив тасвир» ҳосил бўлади. Манба кўлами мақсаддан кўра аниқ, шунинг учун метафоризация жараёни қисман мавҳум бўлган тушунчаларни биз учун аниқроқ бўлган сўзлар ёхуд тушунчалар орқали беришимизга туртки бўлади³⁴.

Концептуал метафора тажрибада икки доменлар ўртасида корреспонденцияларнинг тизимли мажмуи ҳисобланади. Бу "бир домен(майдон)ни бошқа жиҳатдан тушуниш" демакдир. Хусусан, унинг синоними сифатида бадий матн таҳлили учун лингвистикада тез-тез ишлатиладиган атама "хариталаш" ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, айрим элементлар ва улар ўртасидаги муносабатлар бир домен – "манба майдони" орқали бошқа "мақсадли" доменни назарда тутаяди. Масалан, шоирнинг шеърларида ҚУШ образи ҚУШЧА, ТЎРҒАЙ, умуман қандай қиёфада тасвирланмасин, манба майдони сифатида ШОИР қиёфасидаги мақсадли майдонни юзага келтиради. Бу борада битта умумий тушунчанинг турли жиҳатларига назар ташлайлик:

Тўрғай – куйлари шўх, нафис, юраклари хуш, кўк юзида парвоз этиб юрган эркин ва завқли қуш;

Тўрғай – Кўкда ер ҳақида қўшиқ айтиб, қуёшга ботган қуш;

Паришон ва гариб йиғлаб ўтирган Қуш... қалбида бир дарди бор.

Шеърлар асосида хулоса қилинган бундай мисолларни ҳисобга олиб, қуйидаги корреспонденциялар тўплами, яъни "хариталаш" (mapping) таклиф қилиниши мумкин:


ҚУШЛАР → ТЎРҒАЙ → ҚУШЧА → ҚУШ = ШОИРЛИКНИНГ ЎСИШИ (эволюцияси)...

ТЎРҒАЙ = бу ШОИР → у ўз халқининг овози бўлиши керак;

ҚУШЧА = бу ШОИР → у чорасиз, лекин исёнкор Рух, Хуррият тимсоли;

Бўзюзида айтадиган Сўзи бор «чала сўйилган ҚУШ» = ШОИРнинг ўзи... Расмга қаранг:

³⁴Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. — М.: Едиториал УРСС, 2004.



6-расм. Қуш концепти

«ХАРИТАЛАШ» элементлари ҚУШ домен (манба) ва ШОИР домен (мақсад) элементлари ўртасидаги муносабатни ташкил қилади. Албатта, бу оқилона кўриниши учун ШОИР домен «mapping»и аслида қуш метафорик тимсоли ҳақида нисбатан муайян тушунча яратганини ҳис қила билиш лозим. Бу маълум бир МАНБА МАЙДОНИ МУАЙЯН МАҚСАД МАЙДОНИ КОНЦЕПТУАЛИЗМИ учун ишлатилади, деган маънони англатади. Бир домен элементлари метафорик ифодаланган мажмуини ҳисобга олиб, бу элементлар ҳақида янада кўпроқ илм олишимиз мумкин, шунингдек, мақсад устига мазкур қўшимча **БИЛИМ ХАРИТАСИ**дан фойдаланиш ижобий натижа беради. Ушбу қўшимча турдаги манба-домен билимлари кўпинча «*метафора хулосаси*» ёки «*метафорик сабаблар*» деб номланади. Ҳар доим маълум бир мақсадга янги манба майдони қўлланилганда, мақсад майдонни аввалгидан кўра бошқача кўряпмиз. Бундай вазиятни чекловчи ҳодиса маълум бир мақсад майдони умуман мавжуд бўлмаган ҳолатдир, лекин битта (ёки бир нечта) манба майдон(лар)ни қўллаш орқали у яратилади. Кўпинча мавҳум тушунчалар учун сўзларнинг этимологиялари ушбу дастлабки концептуализацияни акс эттиради.

«Кўксимни йиртдим мен, бағримни тилдим» [Т.руҳи; 260-б.], «Ўпиб хаёлингни қонайди дардим» [Т.руҳи; 188-б.], «Кўзларимда юмалоқ севги» [Т.руҳи; 118-б.], «Бошингда гамларнинг тоилари синди» [Т.руҳи; 182-б.], «Юрак чапак чалади чанқоқ» [Т.руҳи; 105] каби мисралар ҳам концептуал метафора қолипида бўлиб, моҳиятан реал ҳаётга тўғри келмайди. Сабаби, олдинги фаслларда таъкидланганидек, Рауф Парфи каби модерн ижодкорлар учун тасвирнинг реал ҳаёт, борлиққа мос келиши эмас, балки инсоннинг ички оламини, руҳий дунёсини акс эттириш муҳим саналади ва бу унинг ижодий оригиналлигини таъминлайди.

Шоирни енгган янги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган ноанъанавий модернистик метафора усулида яратилган сўзлар: *ЁМФИР*, *ШАМОЛ*, *ҚУШЧА*, *ЧИРОҚ*, *ДАРАХТ*, *НАЙ*, *НУР*, *ЯПРОҚ*, *ХАЗОН*, *КЕЧА*, *КУНДУЗ*, *ОС[И]МОН*, *ҚУЁШ*, *ОЙ*, *ТОНГ*, *СЎЗ*, *ТОҒ*... Улар Рауф Парфи шеърларида бутунича метафорик тимсолга айланганига гувоҳ бўламиз. Кўринадики,

метафора шунчаки ифода воситасигина эмас, балки тафаккур ва маданиятга алоқадор ҳодисадир. Шундай экан, концептуал метафоралар оддий маъно кўчиши натижасида ҳосил бўлган ҳосила маъно эмас, балки «инсон тафаккурида содир бўладиган мураккаб когнитив жараён натижасидир. Бу борада олиб борган кузатувларимиз шуни кўрсатадики, концептуал метафора янги ном ясалишининг энг сермахсул усули саналади»³⁵.

